



## ФОНД БОЗОРИДАГИ АКЦИЯЛАР САВДОСИ ЖАРАЁНЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Каримов Акрамжон Икромжон ўғли**

Тошкент молия институти “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар” кафедраси доценти  
email: [akram\\_karimov@tfi.uz](mailto:akram_karimov@tfi.uz)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 5

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss5/a17](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a17)

### ABSTRACT

Мақолада миллий акциялар бозорининг ҳолати бўйича таҳлиллар келтирилган. Акциялар бозорида молиявий технологиялар ва савдо майдонлари бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Ушбу мақоланинг мақсади акциялар бозорида молиявий технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва даражасини аниқлаши хамда фаолиятни ривожлантиришда талаб этиладиган тадбирларни аниқлашдан иборат. Ушбу кўйилган максадларга эришиш йўлида муаллиф томонидан тадқиқотлар амалга оширилган ва натижаларга эришилган.

### KEYWORDS

“Кимматли қоғозлар”, “акция”, “фонд бозори”, “бирламчи оммавий жойлаштириши(IPO)”, “иккиласми оммавий жойлаштириши(IPO)”, “листинг”, “делистинг”, “маркет-мейкер”, “облигация”, “купон”, “рисксиз фоиз ставкаси”, “дивидено”, “хосилавий қимматли қоғозлар”, “бозор капиталлашуви”, “молиявий технологиялар”.

### Кириш (Introduction/Введение)

Фонд бозори ўзининг имкониятлари ва молиявий инструментлари билан бошқа бозорлардан ажralиб туради. Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра, 2020 йилда фонд бозоридаги маҳаллий компанияларнинг бозор капиталлашуви 93,69 трлн. АҚШ доллари ёки дунё ЙИМ нисбатан 132,9 фоизни ташкил этган[1]. Шунингдек, Халқаро биржалар федерациясининг компанияларнинг бозор капиталлашуви бўйича статистик кўрсаткичларида 2022 йил январ ҳолатига йирик фонд биржаларидан хисобланган NYSEда 26,56 трлн. АҚШ доллари, NASDAQда 22,46 трлн. АҚШ доллари, Shanghai Stock Exchange 7,57 трлн. АҚШ доллари, Euronext 7,01 трлн. АҚШ доллари, Japan Exchange Groupda 6,19 трлн. АҚШ доллари, Hong Kong Exchanges and Clearingda 5,40 трлн. АҚШ доллари, LSE Group London Stock Exchangeda 3,57 трлн. АҚШ доллари, National Stock Exchange of Indiaда 3,52 трлн. АҚШ доллари, TMX Groupda 3,23 трлн. АҚШ доллари, Saudi Exchange (Tadawul)да 2,83 трлн. АҚШ доллари, SIX Swiss Exchangeda 2,16 трлн. АҚШ доллари, Korea Exchangeda 2,05 трлн. АҚШ доллари, Nasdaq Nordic and Balticsda 2,27 трлн. АҚШ доллари, Deutsche Boerse AGда 2,39 трлн. АҚШ доллари, Tehran Stock Exchangeda 1,16 трлн. АҚШ долларлик натижалар қайд этилган[2]. Ушбу жиҳатларни инобатга олиб карайдиган бўлсак, миллий иктисодиётни ривожлантиришда фонд бозори мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида фонд бозорида эмитентлар сони 621тани ташкил этиб, улардан 614таси 180233,53 млрд. сўм умумий номинал қийматга эга 16443,21 млрд. дона қимматли қоғозларга эга бўлган акциядорлик жамиятлари хисобланади. Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийсининг расмий маълумотларига кўра, юртимизда 2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида қимматли қоғозлар чиқарилишлари умумий ҳажми 13 471,04 млрд. сўмга кўйпайган, лекин акциядорлик жамиятларининг акцияларнинг сони эса 2,80 млрд. донага камайган. Шунингдек, 29 эмитент томонидан чиқарилган 846,80 млрд. сўмлик умумий миқдорга эга 557,8 минг

дона корпоратив облигациялар, уларнинг 592,63 млрд. сўмлик миқдорга эга 343,6 минг донаси 23та МЧЖ томонидан чиқарилган[3].

Капитал бозорини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш, инвесторларни капитал бозорига жалб этишини раббатлантириш, чет эл инвесторлари учун маҳаллий фонд бозорида катнашиш тартибини соддалаштириш ва инвесторларнинг хукукларини химоя килиш мақсадида «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат унитар корхонасини «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига ўзгартириш, «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти устав капиталидаги давлат акциялари пакетини Марказий банкка бегараз ўтказиш, «Ўзбекистон Республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти таъсисчилигида «Миллий клиринг маркази» акциядорлик жамиятини ташкил этиш, давлат улуши 50 фоиз ва ундан юкори бўлган корхоналарнинг акциялари фонд бозорида оммавий таклиф килиш орқали жойлаштирилгандан сўнг камида етти йил давомида мазкур корхоналар соғ фойдасининг камида 30 фоизи дивиденд тўлашга йўналтирилиши вазифалари белгилаб олинган[4].

Юқоридагиларни инобатга олганда, фонд бозорини ривожлантириш, унга замонавий молиявий технологиялар олиб кириш, молиявий инструментлар рентабеллигини таъминлаш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни акциялар савдоси хамда оммавий жойлаштириш жараёнларига кенг жалб этиши мухим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Халқаро амалиётдан маълумки, миллий иктисодиётни ривожлантиришда фонд бозорининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Фонд бозоридаги акциялар савдосида молиявий технологиялардан кенг фойдаланиш, хусусан, маҳаллий ва хорижий инвесторларни акциядорлик жамиятларининг янги лойиҳалари юзасидан молиявий ресурсларни жалб этишида иштирокини таъминлаш соҳа ривожига улкан хисса қўшади. Ушбу

йўналишда катор нуфузли иқтисодиёт соҳасининг вакиллари илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Hobijn Bart, Boyan Jovanovic[5] лар ахборот-коммуникацион технологияларнинг акциялар бозорига таъсирини ўзларининг илмий тадқиқотларида ўрганилар. Уларнинг фикрича, замонавий алоқа воситаларини пайдо бўлиши акциялар савдоси жараёнининг жадаллашувига олиб келди.

Молия тизимини барқарорлигини фонд бозорига таъсирини хорижлик иқтисодчилардан Jianlei Yang ўзининг “Financial stabilization policy, market sentiment, and stock market returns” номли тадқиқотида ўрганиб чиқкан[6].

Иқтисодчи олимлардан Dakai Li ўзининг “Forecasting stock market realized volatility: The role of investor attention to the price of petroleum products” номли илмий тадқиқотида акциялар бозорида нарх ўзгарувчанлиги (волатилилк)нинг инвесторларга таъсирини тахлил килган[7].

Юртимиз иқтисодчи олимларидан С.Элмираев компанияларнинг акциялар бозор баҳосига корпоратив бошқарув ва дивиденд сиёсатининг боғиқлик даражасини кўриб чиқкан[8].

Институционал инвесторларнинг фонд бозоридаги акциялар савдосидаги иштирокини иқтисодчи олимлардан С.Омонов ўзининг илмий тадқиқотларида кўриб чиқиб, инвестицион фондларнинг фаолиятини тахлил этган[9].

Акциялар бозорида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятларнинг иштироки, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларнинг ривожланиш босқичлари бўйича иқтисодчи олим Н.Шавкатов бир катор илмий тадқиқотлар олиб борган[10].

#### Тадқиқотни амалга ошириша фойдаланилган усуллар (Methods/Методы)

Тадқиқотда кўйилган мақсадларни амалга оширишда мантикий ва таркибий тахлил килиш, гурӯхлаштириш, иқтисодий-статистик тахлил, ўзаро ва киёсий таккослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

#### Олинганд натижалар (Results/Результаты)

Олиб борилган тахлиллар натижасида миллий фонд бозорида акциялар савдосига таъсир этувчи омиллар, бирламчи ва иккиласи оммавий жойлаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларida корпоратив кимматли қоғозлар даромадлииги ва ликвидилиги бўйича муаммоли холатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

#### Тахлиллар (Analysis/Анализ)

Халқаро амалиётдан маълумки, миллий иқтисодиётни ривожлантиришида, унга инвестциялар олиб киришда фонд бозоридаги жараёнларни ракамлаштириш, унга молиявий технологияларни кенг жалб этиши мухим аҳамият каеб этади. Зеро, маҳаллий ва хорижий инвесторлар миллий иқтисодиётга инвестациялар киритишда фонд бозори инструментларидан кенг фойдаланилар. Хусусан, 2021 йил якунларига кўра дунё бўйича тўғридан тўғри инвестациялар киймати ўтган йилга нисбатан 164 фоизга кўпайиб, умумий хисобда 1582 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жаҳон фонд бозорининг ҳажми 126,9 трлн. АҚШ доллар[11]ини ёки 3.3 фоизлик ошган. Ушбу жиҳатларни хисобга олганда, фонд бозори орқали инвестацияларни мамлакат иқтисодиётiga олиб кириш ва уни ривожлантиришда соҳага замонавий молиявий технологияларни кенг жалб этиши ҳамда рақамли трансформациялаш хозирги замон талаби хисобланади.

Молиявий технологияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини тадқик этаётган иқтисодиёт соҳасидаги олимлар баён этишича, молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг операциян харажатларини кискартириш орқали уларнинг иш самарадорлигини ошириша молиявий технологиялар (финтех) ечимларидан кенг фойдаланиш[12] замон талабидир.

Молиявий технологиялар дейилгандан, иқтисодиётда молия хизматларни амалга оширишда, молиявий активлар ва инструментларни харакатини таъминлашда фойдаланиладиган барча турдаги воситалар ва дастурлар жамланмасини эътироф этишимиз мумкин. Банклар ва уларнинг мизжозлари томонидан фойдаланиладиган банк мобил дастурлари, халқаро ва маҳаллий пул ўтказмаларни таъминловчи тизимлар, тўлов тизимлари ҳамда бошқаларни мисол келтирасек бўлади.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив қимматли қоғозлари: акция ва облигациялар, шунингдек, хосилавий қимматли қоғозларининг реализацияси ҳамда бирламчи ва иккиласи оммавий жойлаштирувлари фонд биржаларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги конунига кўра фонд биржаси — оммавий ва ошкора биржа савдоларини олдиндан белгиланган жода ва белгиланган вактда ўрганилган қоидалар асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиши орқали факат қимматли қоғозлар савдоси учун шароитлар яратиб берувчи юридик шахсdir[13].

Акция эммасиевий қимматли қоғоз ҳисобланаб, унинг эгасига акциядорлик жамиятида улущдор сифатида намаён бўлади. Ўзбекистон Республикаси конунчиликида келтирилган таъриф бўйича, “акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир кисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқарища иштирок этишга ва у тутагилганидан кейин коладиган мол-мulkнинг бир кисмига бўлган хукукини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз”[13] ҳисобланади.



**1-расм. Акция турлари[15]**

1-расм мъалумотларида акция турлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, оддий акциялар акциядорлик жамиятларида тўғридан-тўғри бошқарув жараённида иштирок этишини таъминласа, имтиёзли акцияларда дивиденд ўлиш бўйича аник белгиланган фоиз ставкалар мавжудлиги ҳамда айрим ҳолларда яни эмитент йиллар давомида дивиденд тўловини амалга ошиրмаган ёки уставда белгиланган бошқа ҳолатларда улар ҳам акциядорлар умумий йигилишида овоз бериши хукуки орқали иштирок этиши мумкинди.

Олтин акциядан эса стратегик аҳамиятга эга бўлган компанияларда бошқарувни саклаб қолиш мақсадида фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 24 июлдаги 151-сон “Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқарища иштирок этиши маҳсус хукуки («олтин акция»)дан фойдаланиши тартиби” тўғрисида карорида “Мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг хусусийлаштириладиган айрим акциядорлик жамиятларини бошқарища давлат иштирокининг маҳсус хукуки. «Олтин акция» устав капиталида давлат улуси бўлмаган ёки бу улущ 25 фоиздан ортиқ бўлмаган акциядорлик жамиятларида Давлат мулкини сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг қарори билан белгиланадиган муддатга жорий этилади. «Олтин акция» кийматта эга эмас, биронинг ихтиёрига ўтказилмайди ва гаровга кўйилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендларни кўшишда хисобга олинмайди”[14] дея қайд этилган. Лекин, ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 26 октябрдаги 619-сонли «2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ килиш стратегияси кабул килинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим карорларига ўзгариши ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида”ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Акциялар савдосида листинг ва делистинг тушунчалари мавжуддир. Фонд биржаси томонидан белгиланган талабалар асосида эмитентнинг қимматли қоғозини савдоларга кўйиш “листинг” бўлса, уни савдолардан чиқарин “делистинг”.

Ўзбекистон Республикасида фонд бозоридаги акциялар ва облигациялар бўйича савдолар “Тошкент” республикаси фонд биржаси томонидан ташкилотирилиб, 2022 йил бўйича қимматли қоғозларнинг худудлар кесимида савдо натижалари куйидагича кўрсаткичларга эришилди(1-жадвал).

**1-жадвал**  
**“Тошкент” республика фонд биржасида 2022 йил бўйича кимматли  
 қогоzlарнинг худудлар кесимидаги савдо натижалари[16]**

Худудлар	Эмитент дар сони	Битимлар сони	Кимматли қогоzlар сони	Битимлар ҳажми, сўм
Коракалпогистон Республикаси	5	83	3194490	39 293 691 648,92
Андиқон вилояти	4	8601	41814582	16 769 840 129,57
Бухоро вилояти	9	648	9689323	16 051 218 885,17
Фарғона вилояти	10	9062	10429576	60 999 925 563,36
Жizzах вилояти	1	301	34658	126 710 383,05
Наманган вилояти	4	1245	135944	4 037 097 570,22
Навоий вилояти	3	6822	4359403	14 602 655 278,41
Қашқадарё вилояти	8	169	512833	12 513 676 356,32
Самарқанд вилояти	2	305	1357135	14 167 059 932,03
Сирдарё вилояти	2	4	150663	326 102 481,09
Тошкент шаҳри	47	34984	36066662551	2 658 061 671 456,47
Тошкент вилояти	16	18479	11010930	1 962 863 604 773,77
Хоразм вилояти	3	20	5408094	16 394 164 342,02
<b>Жами</b>	<b>114</b>	<b>80723</b>	<b>36154760182</b>	<b>4 816 207 418 800,40</b>

1-жадвал маълумотларида Ўзбекистон Республикасида худудлар бўйича акциялар савдоси бўйича маълумотлар берилган бўлиб, энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри – 2,658 трлн. сўм, Тошкент вилояти – 1,962 трлн. сўм ва Фарғона вилояти – 60,99 млрд. сўм қайд этилган.

“Тошкент” республика фонд биржаси савдо платформалари бир неча бўлимларга бўлинади:

Акция бозори модули “Stock market” – биржа томонидан фақат акциялар билан савдо килиш учун шарт-шароитлар яратилган савдо майдони.

Облигация бозори модули “Bond market” – биржа томонидан фақат облигациялар билан савдо килиш учун шарт-шароитлар яратилган савдо майдони. Облигациялар бўйича купонлар яъни фойзлар инвесторларга тўланади.

Main Board – кимматли қогоzlар билан савдоларни амалга оширишга мўлжалланган системанинг асосий савдо платформаси хисобланади.

Nego Board – келишилган аукцион режимидаги ҳажми чиқарилган кимматли қогоzlар умумий сонининг камидаги 1 фоизини ташкил этувчи кимматли қогоzlар пакетлари билан битимлар тузиш учун мўлжалланган системанинг савдо майдони.

Юқоридаги савдо платформалари бўйича 2022 йилдаги натижалари кўйидаги 2-жадвалда акс этирилган.

**2-жадвал**

**“Тошкент” республика фонд биржасида 2022 йил бўйича кимматли  
 қогоzlар савдо натижалари[16]**

Бозор	Савдо майдон	Битимлар сони	Кимматли қогоzlар сони	Битимлар ҳажми
UZSE STOCK	Main Board	80574	18 811 960 914	1 172 438 072 095,12
Nego Board		78	17 342 774 271	3 533 352 525 763,82
UZSE BOND	Main Board	71	24997	110 416 820 941,46
<b>Жами</b>	<b>80723</b>	<b>36154760182</b>	<b>4 816 207 418 800,40</b>	


2-жадвал маълумотларида “Тошкент” республика фонд биржасининг платформаларида 2022 йил бўйича кимматли қогоzlар савдо натижалари баён этилган бўлиб, энг юқори кўрсаткичлар “UZSE STOCK Nego Board” қайд этилган. Умумий савдолар ҳажми 4,816 трлн. сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичларга эришишда, акцияларни “бирламчи оммавий жойлаштириш(IPO)”, “иккиласмачи оммавий жойлаштириш(SPO)” амалиётлари мухим хисобланади. IPO - бу эмитент томонидан чиқарилган кимматли қогоzlарни фонд биржаси орқали инвесторларга маълум муддатда ва нарх диапозонида бирламчи таклиф этиш бўлса, SPO –ирик акциядорнинг акциялар пакетини фонд биржасидаги оммавий сотув жараёнидир. IPO ва SPO жараёнларидан кейин бозорни кўллаб кувватлашда маркет-мейкерлик фаолияти андерайторлар томонидан амалга оширилади.

Акциялар бозорида бозор капиталлашви тушунчаси компаниянинг эркин муомаладаги барча акцияларининг жорий бозор баҳосига кўпайтириш орқали аниқланиб, амалий жихатдан

**References:**

1. <https://data.worldbank.org/indicator/CM.MKT.LCAP.GD.ZS>
2. <https://focus.world-exchanges.org/issue/june-2022/market-statistics>
3. Кимматли қогоzlар Марказий Депозитарийсининг расмий маълумотлари: <https://uzcsd.uz/api/Website/GetPdfById1336>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2023 йилдаги ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” карори, (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.09.2023 й., 07/23/291/0667-сон)
5. Hobijn, Bart, and Boyan Jovanovic. "The information-technology revolution and the stock market: Evidence." American Economic Review 91.5 (2001): 1203-1220.

компаниянинг бозор баҳоси хисобланади. Фонд бозоридаги акциялар савдоси жараёнларида компанияларнинг бозор капиталлашви мухим аҳамият эга хисобланаби, молиявий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали ушбу кўрсаткични ошириш мумкинdir. Қўйида миллий акциялар бозорининг капиталлашув даражасини кузатишмиз мумкин(2-расм).



**2-расм. Миллий акциялар бозорининг капиталлашув даражаси[16]**

2-расм маълумотларида миллий акциялар бозорининг капиталлашув даражаси кўрстидиги бўлиб, умумий кийматда ўсиш тенденцияси кузатилган.

**Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение)**

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида кўйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга кўйидагича жавоблар шаклланди: фонд бозорида акциялар савдосининг, хусусан, эркин муомиладаги акциялар салмоги қай даражада? Дивиденд ва корпоратив бошқарувнинг акциялар савдосидаги ўрни қандай? Фонд бозорида корпоратив кимматли қогоzlар савдоси йиллик ўсишнинг даражасига қандай ҳолатлар салбий таъсири кўрсатмоқда? Йиллик ўсишнинг ошириш учун нималар килиш керак? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

**Мақола бўйича хулоса ва таклифлар  
(Conclusions/Заключения)**

Фонд бозоридаги акциялар савдоси жараёнларида молиявий технологиялар ўрни хусусидаги илмий-назарий қарашларни ўрганиш натижаларига асосан:

- миллий иктисадиётда фонд бозорини рақамли трансформациялаш юқоридаги савдо жараёнлари бўйича кўрсаткичларни ошишига ҳамда индивидуал инвесторларни кенг жалб этишга имкон беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рақамлаштириш жараённида бозор рискларини ҳам инобатга олиш мухимdir;
- фонд бозори орқали кимматли қогоzlарни оммавий жойлаштиришда IPO ва SPO жараёнлари муддатларини аниқ ҳамда киска (бир хафта) килиб белгилаш;
- миллий фонд бозори капиталлашувини оширишда корпоратив кимматли қогоzlар савдосида молиявий технологиялардан кенг фойдаланиш;
- рентабеллиги юқори бўлган акциядорлик жамиятларини фонд бозорида акцияларни оммавий таклиф жараёнини ташкил этиш орқали орқали хусусийлаштириш.

- 
6. Jianlei Yang "Financial stabilization policy, market sentiment, and stock market returns" Finance Research Letters, Volume 52, 2023, 103379, ISSN 1544-6123, (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612322005566>)
  7. Li D. Forecasting stock market realized volatility: The role of investor attention to the price of petroleum products //International Review of Economics & Finance. – 2023.
  8. Elmirzayev, S. "Dividend Policy Analysis and Dividend Aristocrats in Developed Countries." Scientific-electronic journal "International Finance and Accounting 2 (2020).
  9. Omonov S. INSTITUTIONAL INVESTORS AND ROBO-ADVISORS IN THE CAPITAL MARKET: SPECIFIC FEATURES AND FOREIGN EXPERIENCE //International Finance and Accounting. – 2021. – Т. 2021. – №. 3. – С. 26.
  10. Shavkatov N. ANALYSIS OF INFRASTRUCTURE PROJECTS ON THE BASIS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND THEIR FINANCIAL EFFICIENCY INDICATORS //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 6. – С. 5.
  11. БМТнинг Савдо-сотиқ ва ривожланиш бўйича комиссияси (UNCTAD) (<https://unctad.org/publications>) ҳамда Қимматли қоғозлар саноати ва молиявий бозорлар ассоциацияси (<https://www.sifma.org/resources/research>) маълумотлари
  12. Ходжимамедов А. Раками трансформация шароитида инновацион банк хизматларидан фойдаланиш йўллари //Economics and Innovative Technologies. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 368-378.
  13. Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни 2015 йил 3 июнь, ЎРҚ-387-сон
  14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 июлдаги 151-сон "Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиши маҳсус ҳукуки («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби" тўғрисида қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 307-модда, 2010 й., 44-45-сон, 381-модда; 2013 й., 33-сон, 438-модда; 2016 й., 6-сон, 56-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2020 й., 09/20/217/0426-сон; 07.07.2020 й., 09/20/425/1034-сон
  15. Karimov A. I. THE EXPERIENCE OF INVOLVING THE POPULATION'S FREE MONEY IN THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET //International Finance and Accounting. – 2020. – Т. 2020. – №. 6. – С. 18

<https://uzse.uz/system/analytics..>